

Хужакулов Хаитмурат Джавлиевич,
Тошкент молия институти фахрий
профессори, и.ф.н, доцент
Сайфуллаев Сиддик Носирович,
Тошкент молия институти мустақил
изланувчиси

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖЛАНИШИНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШ

Мақолада миллий иқтисодиётни ривожлантиришда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва роли, аҳоли бандлигини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорликнинг улуши, инновацион ривожлантириш, турли хил молиявий воситалар орқали бу соҳани қўллаб-қувватлаш амалиёти таҳлил қилинган.


В статье проанализирована роль и место субъектов малого бизнеса и предпринимательства в развитии национальной экономики, рассмотрены проблемы обеспечения занятости населения, доля малого предпринимательства в разрезе секторов экономики, инновационное развитие, исследована практика поддержки данной отрасли различными финансовыми инструментами.

The article analyzes the role and place of small businesses and entrepreneurship in the development of the national economy, considers the problems of providing employment, the share of small businesses by sector of the economy, innovative development, explores the practice of supporting this industry with various financial instruments.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади[4].

Иқтисодиётни модернизациялаш даврида кичик бизнес субъектлари фаолиятида янги маҳсулотлар ва технологиялар яратиш ҳамда экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган инновацион сиёсат юритишни талаб этилмоқда. Бинобарин, Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Инновация, бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак”[1].


Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши кўпайиши улар томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажмини ошириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасидир. Дарвоқе, сўнгги йиллар (2013 – 2018)да кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши 0,6 фоиз бандга ошиб, 2018 йилда 59,4 фоизни ёки ЯИМнинг кичик бизнес субъектлари томонидан яратилган ҳажми 2018 йил баҳоларида 242 трлн.сўмликдан зиёдни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши динамикаси¹

Олиб борилаётган изчил ислоҳотлар иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонининг ошишига таъсир қилмасдан қолмади (2-расм).

Республикада 2013 йилда иқтисодиётда банд бўлган аҳоли 12523,3 минг кишини ташкил этган бўлса, унинг 76,7 фоизи кичик бизнес соҳасида ишлаётганларга тўғри келган. 2017 ва 2018 йилларда бу кўрсаткич мос равишда 78,0 ва 76,3 фоизни ташкил этган.



¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

2-расм. Ўзбекистонда 2013-2018 йилларда иқтисодиётда ва кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сони, минг киши²

Аҳоли бандлигини ошириш учун хизмат кўрсатиш соҳаси билан бир қаторда ишлаб чиқариш соҳасида ҳам янги иш ўринлари яратиш керак[4].

Саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2018 йилда 2013 йилдагига қараганда мос равишда 12,6 ва 0,2 бандга ошиб, қишлоқ хўжалигида ва йўловчи ташишда энг катта салмоққа эга бўлган.

2018 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти ҳажмида хусусий сектор улуши саноат тармоғида 37,4 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизни, жами хизматларда 56 фоизни, экспорт ҳажмида 27,2 фоизни ташкил этмоқда.

Дарҳақиқат, хусусий мулк шаклидаги корхона давлат мулки бўлган корхонадан кўра анча самарали ишлаши ўз исботини топган. Эндиликда “хусусий мулк” тушунчасини “нодавлат мулкка асосланган корхоналар” тушунчаси билан чалкаштирмасдан, уларга қатъий аниқлик киритиш ва иқтисодиётда хусусий мулкнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини кафолатлаш даркор.

Республикамизда 2019 йилда 2014 йилдагига қараганда фаолият кўрсатаётган кичик корхона ва микрофирмалар сони 1,38 мартага кўпайгани ҳолда, уларда банд бўлган ходими сони 1,055 баробарга ошган. Бу эса ушбу субъектлар фаолиятининг кенгайганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг статистик таҳлили натижалари мазкур соҳа вилоятлар кесимида нотекис ривожланаётганини кўрсатмоқда (1-жадвал).

Республикамизнинг иқтисодиёт тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши 2018 йилда саноатда 37,4 фоизни, қишлоқ хўжалигида 98,3 фоизни, қурилишда 73,2 фоизни, савдода 86,3 фоизни, пуллик хизматларда 56,0 фоизни ва асосий капиталга киритилган инвестицияларда 38,0 фоизни ташкил этиб, олдинги йиллардагига нисбатан таркибий ўзгаришлар содир бўлди.

Кичик бизнес соҳасида инновацион жараёнларни жадаллаштириш харажатларни пасайтириб, бозорда ўз ўрнини эгаллашга имконият яратади, маҳсулотлар ҳажмини ва фойда миқдорини кўпайтириб, тадбиркорлик самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2013-2018 йиллар маълумотлари.

1-жадвал

2018 йилда вилоятлар кесимида иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик тадбиркорликнинг улуши³

(Умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

Худудлар	ЯИМ, ЯҲМ	Саноат	Қишлоқ ҳўжалиги	Қурилиш	Савдо	Пуллик хизматлар	Асосий капиталга инвести- циялар
Ўзбекистон Республикаси	59,4	37,4	98,3	73,2	86,3	56,0	38,0
Қорақалпоғистон Республикаси	54,3	20,3	98,2	87,2	88,8	56,9	28,4
Андижон	73,4	21,2	99,5	96,9	88,7	71,3	57,7
Бухоро	79,8	41,5	99,5	83,5	86,7	72,8	28,1
Жиззах	84,3	66,8	99,7	97,2	91,3	68,6	45,1
Қашқадарё	64,3	22	99,4	83,1	92,5	70,7	12,6
Навоий	42,4	16,8	98,2	72,9	91	63,4	14,3
Наманган	79	72	97,5	91,7	90,5	69,5	37,3
Самарқанд	80	57,2	96,7	98,5	90,5	73,9	59,8
Сурхондарё	79,4	48,2	99	81,2	92,3	75,1	39,6
Сирдарё	76,9	51,4	99,1	95,1	93,7	64,5	54,2
Тошкент	57,9	28,9	96,3	75	88,1	72,8	39,5
Фарғона	69,8	39,4	97,1	92	88,3	74,6	54,3
Хоразм	75,9	37,1	99,6	89,9	79,3	69	48,9
Тошкент ш.	63,4	73	-	76,3	76,3	51,3	53,6

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг замонавий босқичида инновацион фаолият республикамиз ҳудудлари иқтисодиёти ривожланишида энг муҳим омиллардан бирига айланиши лозим. Шу боис, фан-техника тараққиёти натижаларини ишлаб чиқаришга мунтазам жорий этиб бормасдан, инновация фаолиятини жадаллаштирмасдан ички ва ташқи бозорда рақобатбардош товар ва хизматлар ишлаб чиқариш мумкин эмаслиги инкор қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда инновация фаолиятини ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармонида қайд этилганидек, “... ўтказилган таҳлил ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи

³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаяпти”, “бу борада кўплаб кўрсаткичларнинг мавжуд эмаслиги ва ишлар самарали мувофиқлаштирилмагани сабабли мамлакатимиз сўнгги йилларда нуфузли ва обрўли халқаро тузулмалар томонидан аниқланадиган Глобал инновацион индекс рейтингда иштирок этмаётир”[3]. Шулардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этганини белгиловчи омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш мақсадида “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш” стратегияси ишлаб чиқилди.

Стратегияда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб, Глобал инновацион индекс рейтингини бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига киришига эришиш [3] белгиланди. Бу мақсадга эришиш учун энг аввало, худудларда жойлашган корхоналарнинг, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан жорий қилинган инновациялар сони 2013 йилда 624 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилга келиб, 1290 тага етди. Бу эса, инновацияларни фаоллаштириш борасида амалга оширилаётган ижобий ишлар натижаси ҳисобланади. Натижада шу йиллар мобайнида тегишли равишда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми амалдаги баҳоларда 409,8 ва 7224,8 млрд. сўмга, харажатлар миқдори эса 181,2 ва 1156,8 млрд. сўмга тенг бўлиб, фойдалилик даражаси 126,2 ва 524,6 фоизни ташкил этган, яъни самарадорлик кўрсаткичи қарийб 4,2 мартага ошган.

Кейинги йилларда кичик корхона ва микрофирмалар томонидан инновацияларга қилинган харажатлар ошиб боргани ҳолда, 2018 йилда инновациялар асосан уларнинг ўз маблағлари ҳисобидан, яъни 66,7 фоизи молиялаштирилган, 2,3 фоизи хорижий инвестициялар, 29,8 фоизи тижорат банклари кредитлари ва 1,2 фоизи бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилган. Бу тегишли кўрсаткичлар 2013 йилда мос равишда 90,0; 4,5; 5,4 ва 0,1 фоизга тенг бўлиб, ўз маблағларининг ҳиссаси 23,3 фоиз бандга пасайганидан далолат беради. Демак, кичик бизнес соҳасида инновацияларни молиялаштириш учун ўз маблағларининг тақчиллиги кузатилмоқда.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, мамлакатда ЯИМни яратишда КБХТ энг катта салмоққа эга. Бу борадаги кўрсаткичлар 2013 ва 2018 йилларда мос ҳолда 55,8 ва 59,4 фоизни ташкил этиб, 2018 йил баҳоларида 1,428 баробарга ўсиш суръатига эришилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида кичик корхона ва микрофирмалар
инновацион фаолиятининг асосий кўрсаткичлари (фермер ва деҳқон
хўжаликларисиз)⁴**

Т/р	Кўрсаткичлар	Йиллар					
		2013	2014	2015	2016	2017	2018
1	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан жорий қилинган инновациялар сони (бирлик)	624	808	884	818	1205	1290
2	Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар бўйича:						
	а) ҳажми, млрд.сўм	409,8	1160,7	1681,8	1671,9	1230,3	7224,8
	б) ҳаражатлар миқдори, млрд.сўм	181,2	351,4	354,8	211,4	725,8	1156,8
	в) фойда суммаси, млрд.сўм	228,6	809,3	1327	1460,5	504,5	6068
	г) рентабеллик даражаси, %	126,2	230,3	374,0	690,9	65,5	524,6
3	КБХТнинг ЯИМдаги улуши, %	55,8	56,1	62,9	64,9	63,6	59,4
4	КБХТ субъектларида яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг ўсиш суръати, %	100,0	107,8	129,8	142,1	145,5	142,8

Мамлакатимиз ҳудудларининг инновация жараёнларида иштирок этиш даражасидаги тафовутларни аниқлашда муҳим кўрсаткичлардан бири ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг ҳудудий таркиби ҳисобланади (3-жадвал).

Таҳлиллар шундан далолат берадики, КБХТ соҳасида ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматларнинг ҳудудий тақсимида фарқланишлар мавжуд. Чунончи, жами инновацион маҳсулотларнинг 2018 йилда 80 фоиздан кўпроғи Тошкент шаҳри, Навоий, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Айни вақтда Қорақолпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларининг бу борадаги улуши паст даражада қолмоқда.

⁴Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2013-2018 йиллар маълумотлари асосида ҳисобланган.

3-жадвал

Кичик корхона ва микрофирмалар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматларнинг ҳудудий таркиби (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз), %⁵

Ҳудудлар	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	2,1	3,0	1,8	3,0	2,9	1,2
Андижон	4,7	0,9	0,5	0,9	3,8	3,6
Бухоро	4,9	6,4	1,4	2,2	2,6	2,6
Жиззах	2,3	1,7	4,7	3,3	7,5	3,2
Қашқадарё	1,2	0,9	0,8	0,5	0,3	0,7
Навоий	8,7	3,3	1,7	1,7	5,8	11,2
Наманган	3,9	7,5	7,8	5,6	5,1	7,3
Самарқанд	2,1	1,8	11,3	11,7	3,8	4,2
Сурхондарё	1,2	1,6	1,8	2,3	3,0	4,0
Сирдарё	0,7	4,3	3,5	3,9	4,7	6,4
Тошкент	1,3	11,6	11,6	9,8	13,8	17,0
Фарғона	6,3	3,7	4,9	5,8	15,1	8,7
Хоразм	3,0	2,5	4,7	3,3	5,8	2,7
Тошкент ш.	57,8	50,8	43,5	46,0	25,7	27,2

Ҳудудларда КБХТ соҳасида инновация фаолияти ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

- кичик бизнес субъектларида ўз пул маблағларининг етишмаслиги;
- давлат томонидан соҳанинг инновация фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш етарли эмаслиги;
- инновациялар борасида зарурий ва керакли маълумотлар етарли даражада эмаслиги;
- илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияларнинг заифлиги;
- ҳудудларда КБХТ соҳасида юқори малакали кадрлар тақчиллиги туфайли инновация салоҳияти пастлиги.

Таъкидлаш жоизки, бу омиллар барча ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектларга хос бўлиб, янгиликларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш юқори харажат талаб этиши билан изоҳланади. Шунга кўра, бозор шароитида муваффақиятли иш юритиб, инновацион фаолият билан шуғулланаётган корхоналар, бу фаолият билан шуғулланмайдиган корхоналарга нисбатан юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришмоқдалар.

⁵Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2013-2018 йиллар маълумотлари

Мамлакатимиз минтақаларида инновация фаолиятининг ривожланишини таъминлашда фикримизча, қуйидаги дастаклардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

- ички ва ташқи бозорда инновацион маҳсулотларга бўлган талабни рағбатлантириш;

- фан-техника ва илмлар генерацияси секторининг натижадорлигини ошириш. Жумладан, бизнес, илм ва таълим муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш механизмлари орқали ҳудудлар инновацион ривожланиши муаммоларига йўналтириш;

- инновацион фаолиятни амалга ошириш мақсадида кадрлар салоҳияти самарадорлигининг ўсишига эришиш.

Кичик бизнес соҳаси бугунги кунда мамлакатимизда энг йирик меҳнат бозори, мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантиришнинг асосий омили, миллионлаб одамлар учун даромад ва фаровонлик манбаи бўлиб, улар ўз бизнесини режалаштириш ва кучайтириш асосида иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашдан энг кўп манфаатдор бўладилар.

Президентимиз 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга тақдим этган Мурожаатномасида уқтирганидек, “Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз, таъбир жоиз бўлса, уларни елкамизга кўтаришимиз керак”, 2020 йилда хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш учун “... 5,5 минг нафар хотин-қизларнинг кичик бизнес йўналишидаги лойиҳаларига 100 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредит берилади. Бунинг учун банкларга давлат бюджетидан ресурс ажратилади” [2].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2017 й. 23 декабрь.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 й. 25 январь.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли фармони. //Lex.uz.

4. Хужакулов Ҳ. Кичик бизнес субъектларининг ривожланиш ҳолати ва динамикасини статистик ўрганиш. //Молия (илмий журнал), 2-сон 2015 й. 100-104 б.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг 2013-2018
йиллар маълумотлари. //stat.uz